



Ислом Нури

Масжиднинг устунлари

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Масжидларнинг устунлари бор (яъни, устунлар масжидларни лозим тутгандек, масжидларни лозим тутадиган кишилар бор), фаришталар уларнинг ҳамсухбатларидир. Агар кўринмай қолсалар уларни излайдилар, касал бўлсалар бориб кўрадилар, бирон иш билан юрган бўлсалар уларга кўмаклашадилар.» Кейин яна дедилар: «Масжидда ўтирувчи уч хислатга эга бўлади: Биродаридан фойдаланади ё фойдали сўз эшитади ёки раҳматни кутиб ўтиради». Имом Аҳмад ривояти, ҳасан ҳадис.

Саҳобаларни сўккан одамнинг жазоси

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Ким менинг саҳобаларимни сўкса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва бутун одамларнинг лаънати бўлсин».**

Табароний ривояти, ҳасан ҳадис.

Исломга нисбат бериладиган айрим тоифалар саҳобаларни сўкишни савобли иш деб талқин қиладилар. Шундайлардан бўлиб қолишдан Аллоҳ сақласин! Амин.

□□□ :□□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□ □□□ □□□□ □□□ □□□□ □□□□□□ □□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□□□□□



Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади деди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Банданинг эҳтиёжига қараб Аллоҳ таоло томонидан ёрдам келади, мусибатнинг миқдорига қараб Аллоҳ таоло томонидан сабрга тавфиқ келади». (Ҳаким Термизий Наводирда, Баззор Муснадда келтирганлар, Албоний Саҳул жомеъ: 1952, саҳиҳ)

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади деди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Банданинг эҳтиёжига қараб Аллоҳ таоло томонидан ёрдам келади, мусибатнинг миқдорига қараб Аллоҳ таоло томонидан сабрга тавфиқ келади». (Ҳаким Термизий Наводирда, Баззор Муснадда келтирганлар, Албоний Саҳул жомеъ: 1952, саҳиҳ)

Аллоҳдан бошқаси учун илм ўрганган одамнинг оқибати

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади, деди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким Аллоҳ Юзи учун ўрганиладиган бирор илмни дунёдан бирон нарсага эришиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг хушбўй ҳидини ҳам топмайди.» Имом Аҳмад «Муснадда», Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари.

Сабрнинг фазилати

Абу Хурайрадан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло дейди: «Агар мен мўъмин бандамнинг аҳли дунёдан бўлган маҳбубининг жонини олсам, сўнгра у маҳбуби ортидан сабр ила ажр-савоб умид қилса, унинг мукофоти фақат жаннатдир.»» Бухорий ривоятлари.

Ўз юртидан ғариб бўлиб вафот этишнинг савоби

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоху анхумодан ривоят қилинади,



Ислом Нури

ёмонликларга қулф қилиб қўйган одам нақадар саодатли. Аллоҳ уни ёмонликларга очқич, яхшиликларга қулф қилиб қўйган одам нақадар бахтсиз. (Ибн Мож) Заиф ҳадис бироқ уни қувватловчи шу маънодаги ҳадис билан қўшилиб, ҳасанун лиғайриҳи даражасига кўтарилади. (Абдулазиз Рожиҳий)

«... :... :... «...»

Солим ибн Абдуллоҳ Абу Ҳурайрадан эшитган экан дедилар: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деяётганларини эшитдим: Умматимнинг ҳаммалари офиятдадирлар (Аллоҳ уларнинг қилган гуноҳ ва хатоларини фазлу марҳамати билан кечириб юборади) фақат гуноҳларини ошкор қиладиганларгина бундан мустасно. Бир одам тунда бир ёмон ишни қилиши сўнгра тонг отгач Аллоҳ уни сатр қилганига қарамай: Эй фалончи мен кеча шундай-шундай ишларни қилдим дейиши гуноҳларни ошкор қилишдан ҳисобланади. Аллоҳ уни туни билан сатр қилди у бўлса тонг отиши билан Аллоҳнинг пардасини ўзидан кўтарди. Муттафақун алайҳи.

«...» :...»



Ислом Нури

Урс ибн Амийра розияллоху анхудан ривоят қилинади, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Агар Ер юзида бир гуноҳ иш қилинса, унга бир одам гувоҳ бўлсаю уни қариқ кўрса, уни кўрмаган одамдек бўлади. Уни кўрмаган одам унга рози бўлса, унга гувоҳ бўлган одам каби бўлади.» Абу Довуд ривояти. Ҳасан ҳадис Албоний.

Аллоҳнинг қўшнилари

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади, деди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло қиёмат куни нидо қилади: «Менинг қўшниларим қаерда, менинг қўшниларим қаерда?» Фаришталар сўрайдилар: Раббимиз, сенга ким қўшни бўлиши мумкин? Аллоҳ айтади: «Масжидларни обод қилувчилар қаердалар?»» Ҳорис ибн Аби Усома муснадларида ривоят қилганлар.

Масжидларга беш вақт намозни жамоат билан адо қилиш учун ҳозир бўладиган, намоздан кейин намозни кутиб ўтирадиган ва бомдодда кейин кун чиққунича Аллоҳни зикр қилиб ўтирадиган кишилар масжидларни обод қилувчилардир. (Тарж).

Анас ибн Моликдан, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: Инсонлардан бири кийимини еч(иб ялангоч бўл)ганда «Бисмиллаҳ» демоги у билан жинлар кўзи ўртасини тўсади.» Табароний «Авсат» да ривоят қилган.

Савбон розияллоху анху ривоят қилади, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Мен умматимдан баъзи кишиларни аниқ биламанки, Қиёмат кунида Тихома тоғи каби улкан хасанотлар билан оппок бўлиб келишади, лекин Аллоҳ таоло уларнинг амалларини совирилган чанг каби килиб кўяди.



Ислом Нури

Шунда Савбон розияллоху анху сўради:

— «Ё Расулуллох, бизга уларни сифатлаб, очик баён килиб берингки, билмайин ўшалардан бўлиб колмайлик!

— Улар сизларнинг биродарларингиз, сизларга ўхшаган одамлардир. Тунлари ибодат килишдан улар ҳам худди сиз каби насибадор бўладилар. Лекин улар шундай одамларки, агар Аллох харом килган нарсалар билан холи колсалар, тап тортмай килаверадилар». Ибн Можа ривояти.

“Бир куни Умар ибн ал-Хаттоб розияллоху анху Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга карата: “Ё Расулуллох, мен сизни ўзимдан ўзга, барча нарсадан ортиқроқ яхши кўраман!” дедилар. Пайгамбаримиз унга жавобан: “Жоним кўлида бўлган Зотга касамки, сиз мени ўзингиздан ҳам кўпроқ яхши кўришингиз керак” — дедилар. Шундай дейишларига Умар розияллоху анху: «Хакикатан ҳам, хозир мен сизни ўзимдан ҳам ортиқ яхши кўриб колдим!» деганларида, Расулуллох: “Эй Умар, мана энди тўгри бўлди!” дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сизлар ўзингиздан аввал ўтганларнинг йўлларига изма-из эргашасизлар, хаттоки улар зоб (калтакесаксимон ундан каттарок судралувчи)нинг уясига кирсалар сизлар ҳам кирасизлар» Эй расулуллох «яхуд насороларми?» дедилар. «Ким бўлмаса?» дедилар. (Муттафақун алайхи).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят килинган хадисда Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:



Ислом Нури

«Аллох азза ва жалла Киёмат Куни дейди: «Эй Одам фарзанди! Касал бўлдим, мени кўгани келмадинг».

У айтади:

«Эй Роббим! Кандай килиб сени кўришга борайин, Сен бутун оламни тарбияловчи зот бўлсанг?».

— «Фалон бандам касал бўлди. Билмадингми? Уни кўришга бормадинг, агар сен уни кўришга борганигда, унинг хузурида Мени топган бўлардинг. Эй Одам фарзанди! Сендан таом талаб килдим, сен Мени таомлантирмадинг».

— «Эй Парвардигор! Мен Сени кандай килиб таомлантираман, Сен Ўзинг бутун оламни тарбият килгувчиси бўлсанг?!».

— «Фалон бандам таом талаб килди. Билмадингми? Сен эса уни таомлантирмадинг. Агар сен уни таомлантирганигда унинг ажрини Менинг хузуримда топган бўлардинг». Эй, Одам фарзанди! Сендан сув талаб килдим, сен Мени сугормадинг.

— Эй Роббим! Кандай килиб мен Сени сугорайин, Сен Ўзинг бутун оламнинг парвардигори бўлсанг!?».

— Фалончи бандам сендан сув талаб килди, сен эса, уни сугормадинг, сен уни сугорганигда эди ана шуни (савобини) Менинг хузуримда топардинг!». (Имом Муслим ривоятлари)

Ибн Умар разияллоху анхумодан ривоят килинган хадисда расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам шундай дедилар: «Оч коринга (эрталабда) килинган хижома яхшироқдир. Унда шифо ва барака бор,



Ислом Нури

акл ва зехни оширади. Аллохнинг баракаси билан пайшанба куни хижома килинглари. Чоршанба, жума, шанба ва якшанба кунлари хижомадан сакланинглари. Душанба ва сешанба кунлари хижома килинглари, у Аллох Айюбни мусибатдан халос килган кун, унга мусибатни чоршанба куни юборганди. Мохов ва пес чоршанба куни ёки чоршанбага ўтар кечаси пайдо бўлади». Имом Ибн Можа ривояти (хасан хадис)

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят килинади, айтадиларки: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар: “Кувватли мўмин кучсиз мўминдан Аллохга яхшироқ ва суюклироқдир. Хаммасида ҳам яхшилик бор. Ўзингга фойдали бўлган нарсаларга тиришгин. Аллохдан ёрдам сўра ва ожизлик килма. Сенга бирон мусибат етганда: Агар ундай килганимда, бундай бўларди, дема. Лекин, Аллох шуни такдир килибди ва хохлаган нарсасини килди, дегин. Чунки, “агар” калимаси Шайтоннинг амалини очиб юборади”». (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Ахли дўзахдан икки тоифаси борки мен уларни кўрмадим: Кўлларида сигирнинг думига ўхшаган камчилари бўлиб, у билан инсонларни урадиган кишилар. Кийим кийган ялангоч, ўзи бузукликка моил ва бошкаларни ундовчи, бошлари туянинг кийшайиб турган ўркачига ўхшаган аёллар. Улар жаннатга кира олмайдилар ва жаннатнинг хидини ҳам топмаслар. Унинг хиди фалон фалон масофадан келиб туради». (Имом Муслим ривоятлари).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “(Ўзида) уч нарса бўлган кимса иймон халоватини тотибди: Аллох ва унинг расули унга бошкалардан кўра севимлироқ бўлса, бирон кишини Аллох учун яхши



Ислом Нури

кўрса ҳамда куфрга кайтишни Аллох кутказганидан сўнг, жаханнамга ташланишни ёктирмаганидек ёктирмаса” (Муттафақун алайх).

«Илмни ўрганиб, ўргатган ва Куръонни ўқиган, сўнгра эса(бу амалларни) Аллохнинг хузурига олиб келган кишига Аллохнинг неъматлари танитилади. У неъматларни танийди. (Аллох таъоло): «Нима амаллар килдинг?» – деб сўрайди. У: «ўргандим, ўргатдим ва сен учун Куръон ўқидим» – дейди. (Аллох таъоло): «Ёлгон гапирдинг, сен: «Мени олим десинлар» учун илм ўргандинг, «Кори десинлар» учун Куръон ўқидинг. Холбуки, шундай дейилди ҳам» – дейди. Уни юзи билан жаханнамга отилади...»(Имом Муслим ривоятлари).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уч тоифа одамга Оллоҳ Қиёмат кунида гапирмайди, қарамайди ва уларни покламайди ҳамда уларга аламли азоб бордир: зоний чол, каззоб подшоҳ ва мутакаббир камбағал» (Имом Муслим, ҳадис № 107).

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зикр киладилар: «Баний Исроил кавмидан бир киши, ўзларининг баъзи кишиларидан 1000 динор карз сўради.

У(карз берувчи) деди: «Менга гувоҳлар олиб келгин, уларни гувоҳ килиб кўяйин».

(Карз сўровчи) деди: «Аллох Таоло Ўзи гувоҳликка кифоядир».

— «ундай бўлса, менга кафил келтир».

— «Аллох Таоло кафилликка Ўзи кифоядир».



Ислом Нури

(берувчи): «Тўгри айтасан»— деди ва бир муддатни тайин килиб, унга 1000 динорни карзга берди. Халиги киши маблагни олиб денгиз оркали сафарга чикди ва хожатларини бажарди (яъни, тижорат, олди-сотти килди). Тайинланган муддатга етиб келаман деб, харакат килиб, кайтиб кетишга бир маркаб (кема) топа олмагач, бир ёгочни олиб, ўртасини ковак килиб, унга 1000 динор ва дўсти учун бир мактубни жойлаштириб кейин ковакни яхшилаб беркитдида, уни олиб, денгиз бўйига келиб деди: «Эй, Аллохим Сен Ўзинг биласанки, мен фалон кишидан 1000 динор карз сўраганимда, у мендан кафил бўладиган кишини талаб килди, мен эса, Аллох Таоло Ўзи кифилдир дедим, у Сенинг кафиллигингга рози бўлди. Мендан гувоҳ хозирлашимни сўради, мен эса, Аллох Ўзи гувоҳликка кифоядир дедим, у Сенинг гувоҳлигингга рози бўлди. Мен эса, унинг хаккини (ўз вақтида) етказиб бериш учун, кўп харакат килдим, бирон маркаб топа олмадим, энди мен ушбуни Ўзингга омонат топширдим». Ёгочни денгизга улоктирди, у калкиб-калкиб денгизга кириб кетди. Сўнгра кайтиб келиб ўз шахрига кетиш учун маркаб (кема) излай бошлади. Унга карз берган киши эса, бирор (сафардан кайтган) кема унинг молини олиб келган бўлса деган умидда бир карайин деб, денгиз бўйига чикди. Моли жойлаштирилган ёгочни (ўзи билмаган холда) тасодифан кўриб колди ва ўтин килиш учун уни уйига олиб келди. Ёгочни аралаб майдалаган эди, ичидан мол (маблаг) ва мактубни топди. Бир оз муддатдан кейин, карз олган киши сафардан кайтиб келиб, 1000 динорни олиб келди ва деди: «Молингни сенга (ўз вақтида) келтириб бериш учун кўп харакат килдим, бироқ мана шу хозир етиб келган маркаб(кема)дан аввал келадиганини топа олмадим». (Карз берувчи) деди: «Менга бирор нарса жўнатган эдингми?». (Карз олгувчи) деди: «Сенга айтаяпманку, мана шу хозир келган кемадан аввал, бошқасини топа олмадим». (Карз бергувчи) деди: «Ёгоч ичида жўнатганларингни Аллох Таоло (зое килмай етказиб келиб) сенинг томонингдан адо этди,



Ислом Нури

сен (хотиринг жам) хушнудлик билан 1000 динорни олиб кетавер»». (Сахиул Бухорий: 2291)

Пайгамбаримиз саллоллоху алайхи ва саллам асхобларидан «Муфлис (ифлос) кимлигини биласизларми?» – деб сўрадилар. Муфлис на дирхами ва на бирор нарсаи бор бўлмаган кишига айтилади – дедилар. Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Менинг умматимдаги муфлис киёмат куни намози, рўзаси ва зокоти билан келади. Лекин у бу одамни сўккан, унисига тухмат килган, бировнинг молини еган, бошқасининг конини тўккан яна кимнидир урган бўлади. Халиги кишининг яхшиликларидан уларга олиб берилади. Агар яхшиликлари тўлашга етмай колса уларнинг хатоларидан олиб бунга юкланади. Сўнг уни дўзахга ташланади.» (Имом Муслим ривояти)

Абдуллох ибн Аббос Умар ибн Хаттобдан ривоят килади. Умар деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига кирдим, ул зот бўйра устида ётибдилар. Олдиларига ўтирдим, расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг эгнида факат изор-лунги (белдан пастга кийиладиган матох) бор эди, холос. Бўйра ёнбошларига ботиб кетибди, уйдаги нарсаларга назар ташладим. Уйнинг бир четида уч-тўрт ховуч арпа, акас кўзоги ва деворда осиглик мешни кўриб ўзимни тутиб тура олмадим, кўзимдан ёш куйилди. Эй Умар нимага йигляяпсиз деб сўрадилар? Эй Набиюллох нега йигламас эканман, бўйра ёнбошингизга ботиб кетган бўлса, уйингизда нима борлигини хам кўриб турган бўлсам! Кисро ва Кайсарларни каранг, мевалар, анхорлар ичра бўлишса-ю, сиз Аллохнинг пайгамбари, танлаганининг холи бу бўлса!» «Эй Хаттобнинг ўгли, охират бизга ва дунё уларга бўлишига рози эмасмисиз» — дедилар. Ибн Можа ривояти.

Савбон розияллоху анхудан ривоят килинади, расулуллох саллаллоху



Ислом Нури

алайхи ва саллам дедилар: «Киши килиб кўйган гуноҳи сабабли ризқдан махрум бўлади» Ибн Можа (4022) Саҳих ибн Можада Албоний бу ҳадисни саҳих деди

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади, пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Етти кишини Аллоҳ таоло факат Ўзининг соясида ҳеч бир соя бўлмасдан факат Ўзининг соясигина бўлган кунда соялантиради: Одил подшоҳ, Аллоҳнинг ибодатида ўсиб улгайган йигит, калби доимо масжидларга боғланган киши, Аллоҳнинг йўлида бир-бирига муҳаббат қўйган икки киши, уларнинг кўришишлари ҳам, ажралишлари ҳам факат Аллоҳ учун бўлади, ва яна бир кишики уни мансабдор, чиройли аёл ўзига чакирганида у: «мен Аллоҳдан кўркаман» — деб жавоб берган, бир кишики Аллоҳ йўлида садака қилган, садакасини шу даражада, яширганки ҳатто чап кўли ўнг кўли инфоқ қилган нарсани билмайди, яна бир кишики хилватда туриб Аллоҳни зикр қилганида кўзларидан ёшлари қуйилгандир. (Муттафақун алайхи).

Абу Харб ибн Абил-Асвад отасидан, отаси Алий розияллоху анхудан ривоят қилади пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам «эмизикли боланинг бавли (сийдиги) хақида: ўгил боланинг бавлига сув сепиб қўйилади, киз боланики ювилади»— дедилар. Абул Ямон Мисрий айтади: Шофеъийдан пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг «ўгил боланинг бавлига сув сепиб қўйилади, киз боланики ювилади» деган ҳадислари хақида сўраб, бу иккиси ҳам бир сувку дедим? У, Чунки, боланинг бавли сув ва лойдан, кизники эса гўшт ва кондан деди. Кейин, тушундингми? Ёки укдингми?— Деб сўради. Мен, йўқ дедим. «Аллоҳ таоло Одамни яратгандан кейин Хаввони унинг калта кобургасидан яратди. Шу сабаб боланинг бавли сув ва лойдан, кизнинг бавли эса гўшт ва кондан бўлиб қолди»— деди. Мендан тушундингми?



Ислом Нури

Деб сўради. Ха.— деб жавоб бердим. Аллох сени шу илм билан фойдалантирсин деб дуо килиб кўйди. (Ибн Можа ривояти, Албоний бу хадисни сахих деди)

Амр ибн Шуайб отаси оркали бобосидан ривоят килади, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Биздан бошкаларга ўзини ўхшатганлар биздан эмасдир. Яхуд ва насоро (христиан)ларга ўхшаманглар, яхудийларнинг саломлашиши бармоқлар билан ишора килиш, насронийларнинг саломлашиши кафтлар билан ишора килиш. (Имом Термизий ривояти, Албоний бу хасан хадис деганлар)

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят килиб деди: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллохнинг Мухаррам ойидаги рўзадир, фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир» (Имом Муслим ривояти).

Уммул-муъминийн Оиша разияллоху анходан Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Каъбага бир тоифа аскар хужум килгани отланади ,сўнг бир ердаги сахрога етишганларида уларнинг аввалидан охиригача ер ютади! » «Эй Расулуллох кандай килиб уларнинг аввалидан охиригача ер ютади ораларида ундай ниятда бўлмаган ва хамда оддий (соддадил) кишилар бўлсачи?» -дедим .Расулуллох дедилар:»Уларнинг аввалидан охиригача ер ютади сўнг(киёмат кунида) **ниятларига караб** кайта тириладилар.» (имом Бухорий ва Муслим ривоятлари, бу лафз Бухорийники.)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам «**Арафот кунининг рўзаси ўтган ва келаси йилнинг гунохларига каффорот бўлади**»бошка бир ривоятда эса «**ўтган йил ва ундан колган кунларга каффорот бўлади**» - дедилар. (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

«Курбонлик кунлари Одам боласи киладиган амаллар ичида кон окизишдан (жонлик сўйишдан) кўра Аллохга махбуброк амал йўқдир...». (Ибн Можжа ва Термизий ривоятлари, хасан хадис).
Пайгамбар алайхиссаломдан: «Курбонлик ўзи нима?», – деб сўрашганда: «У оталарингиз Иброхим алайхиссаломнинг суннатидир», – деб жавоб бердилар. «Ундан бизга кандай ажр бор?», – дейишганида эса, у зот: «Хар бир туки учун биттадан яхшилик берилур», – дедилар... (Ибн Можжа ва Термизий ривоятлари).

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Лайлатулкадрни охирги ўн кунликдан изланглар, бирортангиз заифлашса ёки ожиз бўлса охирги етти кечада (уйкуга) маглуб бўлмасин. (Имом Муслим ривояти)

Убай ибн Каъб деди: « Аллохга касамки, расулуллох бизни унда бедор бўлишимизга буюрган кеча кайси эканини аник биламан. У йигирма еттинчи кеча» (Имом Муслим ривояти)

Абу Айюб розияллоху анхудан ривоят килинади, расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Кимки Рамазон рўзасини тутса, кейин унга шавволдан олти кунини эргаштириб (рўза тутиб) кўйса, йил бўйи рўза тутгандек бўлибди» (Имом Муслим ривояти)

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят килиб деди: Расулуллох дедилар: «Сизлардан бирингиз рўза тутган кунда ёмон сўзларни сўзламасин, бирон киши у билан сўкишса ё уришса , мен рўзадорман деб айтсин». (Муттафақун алайхи).

Яна шул зот ривоят килган хадисда Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Ёлгон сўзни ва унга амал килишни тарк килмаган



Ислом Нури

одамнинг таоми ва шаробини тарк килишига Аллохнинг эҳтиёжи йўқдир». Бухорий ривояти

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Агар Шаъбон ойининг ярми бўлса то рамазон келгунига қадар рўза тутманглар» Бошқа бир ривоятда дедилар: «...магарам бирортангизни одат қилган рўзаси (душанба пайшанба рўзаси каби) га тўғри келса тутсин.»

Абу Хурайра -розияллоху анху- ривоят қилиб деди: Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам «Ана шу вақтда ер ўз хабарларини айтади» оятини ўқидилар. Сўнгра дедилар: «Унинг хабарлари нима эканини биласизларми?» Аллох ва расули билувчирок дедилар. «Унинг хабарлари ҳар бир эркак ва аёлга ўзининг устида юриб қилган амалларига гувоҳлик бермоғидир. Сен фалон куни шундай ишни қилгансан дейди. Шу унинг хабарлари- дедилар. Термизий ривояти. Хасан ҳадис

Амир ал-Муминин Умар ибн Хаттоб –Аллох ундан рози бўлсин- ривоят қилади: Расулуллох саллоллоху алайхи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Амаллар ниятга яраша бўлади, ҳар ким учун ният қилган нарсаси бўлади. Кимнинг хижрати Аллох ва Расули учун бўлса, унинг хижрати Аллох ва Расули учундир. Кимнинг хижрати дунё учун бўлса, дунёга эришади, ёки бирорта аёл учун бўлса, ўшал аёлни никоҳига олур унинг хижрати қилган ниятига кўрадир» Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллох ибн Умар -розияллоху анху- ривоят қилади: Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Ислом беш асос устига қурилгандир: Аллохдан ўзга илох йўқ ва Мухаммад -саллоллоху алайхи



Ислом Нури

ва саллам- Аллохнинг расули деб гувоҳлик бериш, намозни тўла адо этиш, закотни бериш, хаж килиш ва рамазон рўзасини тутиш» Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллох ибн Аббос -розиаллоху анху- Расулulloхдан, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам эса роббисидан ривоят килиб дедилар: «Аллох таъоло хасанотларни ва саййиотларни ёзиб кўйди сўнгра уларни баён килди: Кимки бир яхшиликни килишга ният килса-ю уни килолмаса, Аллох таъоло бу яхшиликни у учун тўлалигича ёзиб кўяди. Агар яхшиликни ният килиб , уни амалда бажарса Аллох бу яхшиликка ўндан то етти юз баробаргача ва ундан кўра кўпрок баробарда хасанотни ёзиб кўяди. Агар бир ёмонли